



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 3 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 66 (12.627)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида «Озиқ-овқат саноати – WorldFood Uzbekistan – 2014» ва «Қишлоқ хўжалиги – AgroWorld Uzbekistan – 2014» халқаро кўргазмалари очилди.



Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Фермерлар кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва «ITE Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўлмили ислохотлар самарасида озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам юқори натижаларга эришилаётгани таъкидланди.

Ўн тўртинчи бор ўтказилаётган «WorldFood Uzbekistan – 2014» озиқ-овқат саноати ва тўққизинчи «AgroWorld Uzbekistan – 2014» қишлоқ хўжалиги халқаро кўргазмалари ҳам бундан яққол тасдиқлайди.

Кўргазмаларда Хитой, Корея Республикаси, Австрия, Бельгия, Болгария, Германия, Испания, Италия, Қозоғистон, Латвия, Малайзия, Бирлашган Араб Амириклари, Польша, Россия, Руминия, Словакия каби 22 мамлакатдан бир юз элликдан зиёд компания иштирок этаётди.

«WorldFood Uzbekistan – 2014» халқаро кўргазмасида Бельгиянинг «VLAM», «Fresh From Belgium», «Kipco-Damaco», «Glacio» ва бошқа компаниялари кенг турдаги гўшт ва сут, денгиз маҳсулотлари, мева-сабзавотларни намойиш этмоқда. Турли салқин ичимликлар, иммунитетни мустаҳкамлайдиган биологик фаол қўшимчалар намойиш этилган Жанубий Корея компаниялари стендлари ҳам бу ерга ташриф буюрганлар эътиборини тортди.

(Давоми 2-бетда)



САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

КАДРЛАР САЛОҲИЯТИ — МУҲИМ ОМИЛ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёш ҳуқуқшуносларнинг адлия органларининг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш борасидаги фаолияти ҳақидаги билимини бойитишга қаратилган мулоқот бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги ўринбосари А.Усмонов, Тошкент юридик коллежи директори Н.Темирова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий баркамол, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Таълим тўғрисида»-ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа қатор ҳужжатлар ёш авлод манфаатларини ҳимоялаш, ташаббус ва интилишларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда.

Мамлакатимизни модернизациялаш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг қўламли вазибаларни муваффақиятли ҳал этишда малакали ҳуқуқшунос кадрларнинг роли катта. Шу боис Тошкент давлат юридик университетида таълим сифатини оширишга қаратилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда Тошкент юридик коллежи ўқувчиларига адлия органлари томонидан иқтисодий, идоравий, жиноий, маъмурий, ижтимоий қонун ижодкорлиги йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, ҳуқуқий тарғибот, қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этишда «LexUz» миллий базасининг ўрни, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишдаги қонунчилик талаблари ҳақидаги саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

С.ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида» ва «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»-ги қонунлари ижроси, шунингдек, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди, дея хабар беради ЎЗА.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Илмий-амалий конференциянинг ўтказилиши яқин кунларда Ўзбекистон Республикасининг «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»-ги қонуни қучга кириши, шунингдек, «Ўзстандарт» агентлигида табиий газни таҳлил қилиш мосламаларини текшириш бўйича янги лабораториянинг ишга туширилиши билан ҳам боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси С.Жабборов, «Ўзстандарт» агентлиги бош директори А.Қурбонов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари Б.Усмонов мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви ва глобаллашуви шароитида миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда халқаро меъёр ва стандартларга мослаштириш, жаҳон бозорида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади. Қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида» ва «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»-ги қонунлар миллий стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимининг асосини ташкил этади.

2013 йил 4 октябрда «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»-ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантаний давоми бўлди. Ушбу қонун миллий

товар ишлаб чиқарувчиларнинг халқаро бозорга чиқиш имкониятини кенгайтириб, маҳаллий хомашё асосида рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини беради.

Мамлакатимизда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасига тааллуқли қонунчилик базаси истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиб, бозорда инсонлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфли маҳсулотлар пайдо бўлишининг олдини олмақда, шунингдек, савдо-сотиқ йўлидаги техник тўсиқларни бартараф этишга ҳизмат қилмоқда. Бу борадаги ишларга мувофиқликни баҳолайдиган 165 таъкилот, 378 синов ва 139 калибрлаш лабораторияси ҳам ўз ҳиссасини қўшаётди.

Конференция иштирокчилари ушбу қонунларнинг амалдаги ижросини таъминлаш муҳимлигини инобатга олиб, техник иш тартибини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва қабул қилиш жараёни, ваколатли органлар томонидан ташкил этилган эксперт комиссиялари фаолияти самарадорлиги, техник тартибга солиш соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар ва уларни халқаро стандартларга мослаштириш долзарблиги билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилди.

Тадбирда соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасига оид ҳужжатлар ўрганилиб, таҳлил қилинадиган, хавфсизлик ва сифатнинг мақбул параметрлари белгиланадиган технопарк фаолияти ижобий баҳоланди.

Меҳрибон МАМЕТОВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан «Соғлом оила – фаровон жамият асоси» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Фарғона вилояти адлия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари масъул ходимлари, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этган тадбирда соғлом оилани қарор топтириш, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш масалалари ҳақида сўз юритилди.

● Нукусда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Тадбир доирасида кооперация имкониятларини кенгроқ ёритиш мақсадида етакчи саноат корхоналари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифлар бўйича тақдимотлар ҳам ўтказди.

● Самарқандда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирларга бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот-ресурс марказида «Китобим – офтобим» деб номланган китоб байрами ўтказилди. Тадбир доирасида «Дикқат, янги китоблар», «Ёзувчи-шоирлар – болаларга», «Биз севган қаҳрамонлар», «Жаҳон адабиёти дурдоналари» номли китоблар кўргазмалари ташкил этилди. Ёзувчи-шоирлар билан болалар учрашуви тадбирга янада файз киритди.

ЖАҲОНДА

● Олимлар томонидан қаҳванинг фойдаси-ю зарари батафсил ўрганилган ва бу борадаги изланишлар ҳали яна давом этаверади. АҚШнинг Мичиген университети тадқиқотчиси Жон Греден яқинда ўз тадқиқотлари натижаларини эълон қилди. Унинг айтишича, қаҳвага ружу қўйиш руҳиятга салбий таъсир кўрсатади ва олим бунни «кофеинизм» оқибати, деб атади. Маълумки, қаҳва молекулалари организмдаги ҳар қандай муҳофаза тўсиқларини енгиб ўтиб, атиги 20 дақиқада миёга етиб боради ва уйқу «сигнал узатма»ларини қамал қилиб олади. Айнан шу механизм кишига тетиклик, тийраклик ва дадиллик бахш этади.

● Ўтган йили Италиянинг «Intesa Sanpaolo» банки 4,5 миллиард евро миқдорида зарар кўрган. Бу ахратилган кредитлар ҳажмининг орткилиги, уларни қайтариш бўйича эса тўловларнинг тушиб кетгани билан изоҳланмоқда. Шунга қарамай, таҳлилчилар жорий йил якунида ушбу молия муассасасининг соф фойдаси бир миллиард евро атрофида бўлишини тахмин қилишяпти.

● Жанубий Калифорния университетининг бир гуруҳ олимлари турли ёшдаги 6400 кишини 18 йил давомида кузатиб, шундай ҳулосага келдиларки, 50 ёшдан ошгач гўшт, тухум ва пишлоқни кўп истеъмол қилиш организм учун худди никотин сингари ўта зарарли экан — улардаги оксиллар саратон ўсимтасининг тез ўсиши ва тана ҳужайраларининг тез қаришини юзага келтиради. Саратон хасталигидан ўлиш даражасини эса 4 марта ошираркан. Шу боис 50 ёшдан ўтгач, мол ва қўй гўшти оксиллари ўрнига балиқ, ясмик ҳамда ловия оксиллари билан озиқланган маъқул.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги 228-умумтаълим мактабида «Фарзандимга китоб совға

қиламан» мавзуида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалла гузаридида касб-хунар коллежлари-

нинг 2013-2014 ўқув йилидаги битирувчиларини эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни ташкиллаштириш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** Мирзо Улуғбек технология касб-хунар коллежида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори Хуршида Ҳақимова билан ижодий учрашув уюштирилади.

Ёшлар қалбида миллий ғоя, миллий урф-одат, аъналарга меҳр-садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан «Қадрият, урф-одат, аъна ва ёшлар» мавзусида фестиваль ташкил этилди.

«Камолот»

АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОДЛАР

Унда туманда жойлашган умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллеж ва академик лицейлардан таширф буюрган гуруҳлар миллий аъналаримизни тарғиб этган ҳолда ўзаро беллашдилар.

Таъкидлаш жоизки, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Президентимизнинг жорий йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ўсиб келаётган ёшларни ҳар томонлама етук, комил инсон қилиб тарбиялаш, улар қалбида ватанпарварлик руҳини кучайтириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

— «Камолот» ЁИХ ёшларимизнинг чинакам суяничи ва таянчи бўлиш мақсадида жойларда бир қанча самарали тадбирларни ўтказиб келмоқда, — дейди «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман Кенгаши раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Дилёра Мелдебекова. — Туманимизда Ҳаракатга аъзо йигит-қизлар 47 минг нафардан ортади. Мана шундай лойиҳалардан бири сифатида туман ёшларини маънавий баркамол, мамлакатимиз тарихини чуқур билимдонлари этиб тарбиялаш, ўзбек халқининг удуми ва маросимлари ўзагини англаб етишларига қўмаклашиш, миллийликни ҳаққоний, холисона ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ва тарғибот қилиш, улар қалбида миллий ғоя ва мафкура, миллий урф-одат ва аъналарга меҳр-са-

доқат туйғуларини шакллантириш мақсадида «Қадрият, урф-одат, аъна ва ёшлар» мавзусида фестиваль ўтказилди.

— Мазкур фестивалда лицейимиз жамоаси билан Сурхондарё вилоятининг урф-одати, фольклорини намойён этдик, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдорлари, Ўзбекистон Давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицей ўқувчиси Фарида Тошпўлатова. — Унутилиб кетилаётган урф-одатларимиз, аъналаримизнинг бетакрор намуналаридан бохабар бўлиш имконини берувчи фестивалнинг ташкил этилгани қувонарлиқдир. Жамоамиз билан биргаликда лапар, йигит-қизлар ўртасидаги айтишувни йиғилганларга намойиш этиб, Ал-помишнинг гавдалантирган бўлсак, бошқа иштирокчиларнинг ҳам чиқишини томоша қилдик.

Фестиваль миллийлигимизни кенг тарғиб қилишга қаратилган «Миллий либос», «Қадрият, урф-одат, аъна ва ёшлар», «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик!» ва ҳоказо шартлар доирасида ўтказилди. Таълим муассасаларидан таширф буюрган йигит-қизлар турли вилоятларнинг ўзига хос либослари орқали, аъналарини, урф-одатларини моҳирона тарзда намойиш этишди.

Фестиваль шартларини қойилмақом тарзда бажарган ғолибларга «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА



ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг ўз салоҳиятини намойён этиши учун яратилаётган имкониятлар самарасини барча соҳада салмоқли ютуқларга эришаётган йигит-қизлар мисолида ҳам аққол кўриш мумкин.

Дилмурод Жумаев навқирон авлод учун яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб, муваффақиятга эришаётган иқтидорли ёшлардан. Тошкент ирригация ва мелiorация институти магистратурасида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш йўналишида тахсил олаётган бу йигит болалигидан қишлоқ ҳўжалигига меҳр қўйди.

У давтавал Жондор саноат касб-хунар коллежида, талабалик йилларида эса Тошкент ирригация ва мелiorация институти Бухоро филиалида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси сифатида кенг қўламли ишлорларда уларнинг фаол иштирокини таъминлашда дастуруламал бўлмоқда.

Дилмурод ўқиб давомийда бир қанча ютуқларга эришган. Республика ҳамда институт миқёсидаги турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ва тадбирларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Инглиз тилини мукаммал ўзлаштирган. Айни пайтда «Бухоро вилояти ер ре-

сурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари тақомиллаштириш» мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Дилмурод ўқишда, илмий фаолиятда, ҳаётда ўз олдида улкан мақсадларни қўйган ёшлардан, — дейди унинг илмий раҳбари, техника фанлари номзоди Т.Абдуллаев. — Бу фазилини унинг ўз соҳасида юқори натижаларга эришишида муҳим омил бўлмоқда. Турли илмий-амалий анжуманлардаги маърузалари соҳа олимлари ва мутахассислари томонидан эътироф этилаётган.

Д.Жумаевнинг илмий мақолалари мамлакатимизнинг турли иқтисослашган журналларида чоп этилган. Иқтидорли, салоҳиятга ва савий-ҳаракатлари муносиб баҳоланиб, жорий ўқув йилида у Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлди.

Барно МЕЛИКУЛОВА, ЎЗА мухбири

СУРАТДА: Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти дастгоҳли ва китоб графикаси йўналиши магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Давлат стипендияси соҳибаси Чарос Пайзиева.

Ёлқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

ШУНҚОРЛАР БАҲС ЮРИТДИ

Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент геодезия ва картография касб-хунар коллежида «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаси ўтказилди.

Ўзбекистон Мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мирзо Улуғбек ўқув СТК унитар корхонаси, туман Мудофаа, «Камолот» ЁИХ бўлими томонидан ташкил этилган мусобақада тумандаги коллеж ва лицейлар ўқувчилари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мусобақани ўтказишдан асосий мақсад ўсиб келаётган авлоддаги ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий ва жисмонан камол топтириш, спортга бўлган қизиқларини қўллаб-қувватлаш, уларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишдан иборатдир.

Мусобақада тумандаги таълим муассасаларидан таширф буюрган ёшлар саф кўриги, югуриш, турникка тортилиш ва граната отиш шартлари бўйича беллашдилар.

— Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда миллий гурур ва ифтихор туйғусини шакллантириш, маънавий ва жисмоний камол топтиришда спортнинг ўрни бекиб, — дейди Ўзбекистон Мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мирзо Улуғбек ўқув СТК унитар корхонасининг Маънавият, ташкилий оммавий ишлар ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи бўйича бошлиқ ўринбосари Феруза Турдиева. — Айниқса ўсиб келаётган авлод ўртасида ҳар йили аънавий тарзда «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақаларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, ёшларимиз ҳар томонлама етук, ва жисмонан бақувват бўлиб ўсишмоқда. Бунинг билан мазкур мусобақа мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Иштирокчилар ўз чиқишларида бор маҳоратларини намойиш этдилар. Саф кўриги бўйича тумандаги Интерхаус академик лицейи, Тошкент саноат ва Мирзо Улуғбек саноат касб-хунар коллежлари жамоалари юқори натижаларни қўлга киритишди. Бошқа йўналишларда ҳам ғолиблар аниқланди.

Ҳарбий-спорт мусобақасида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаган катнашчилар Ўзбекистон Мудофасига қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Мирзо Улуғбек ўқув СТК унитар корхонаси ва бошқа ҳамкорлар томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Зарина РУСТАМОВА

Божхона

ҚИДАБУЗАРЛИКЛАРГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Божхона расмийлаштирувни ва сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва товар-моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш божхона органлари олдига турган муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотларининг қонуний тарзда импорт қилиниши нафақат иқтисодий ҳавфсизлигимизни ҳимоя қилишга, балки, энг аввало аҳолининг саломатлигини асрашга ва уларнинг сифати кафолатланган маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Аммо, айрим соҳта тадбиркорларнинг божхона назоратидан аширинча олиб ўтишга уринаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Сабаби, аввало уларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини ташиш қоидаларига мувофиқ етказилганига ҳеч қандай кафолат йўқ.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари ҳам бир гуруҳ қонунбузарлар томонидан муқаддам ноқонуний йўллар билан кичик-кичик турмушда олиб қилинган ва сифати кафолатланмаган йирик миқдордаги парранда гўшти, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида бошқа турдаги товар-моддий бойликларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйишди.

Олинган тезкор маълумотлар асосида пойтахтимиз божхоначилари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда юк автотранспорт воситаси ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида қўздан кечирилганда, унинг юкхонасида сабзи тўла полиэтилен қоплари орасида хорихда ишлаб чиқаришган салкам 2 тонна товуқ гўшти, 1,5 тоннага яқин содаси маҳсулотлари ва 1800 донна салқин ичимликлар борлиги аниқланди. Мазкур юк автоуловчи эгаси фуқаро Қ.Содиқов қиймати 30 млн. сўм бўлган ушбу озиқ-овқат маҳсулотларининг божхона расмийлаштирувни ҳақида сифатини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қила олмади.

Шунга ўхшаш яна бир тезкор тадбир давомида бошқа ёш юк автомобиласи ташконида мато ўрамлари билан тўсиб яширилган 3 тонна 300 кг. парранда гўшти ва 2 минг донга яқин косметика воситалари мавжудлиги аниқланди. Муқаддам айланма йўллар орқали олиб қилинган ва табиийки, божхона расмийлаштирувни ҳақида сифатини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган қиймати 42 млн. сўмлик мазкур товар-моддий бойликлар андижонлик И.Нуриддиновга тегишли экан.

Рақамларга мурожаат қилсак, 2013 йил мобайнида республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқланган 24 мингдан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 151 млрд. сўмдан ортиқ товар моддий бойликларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва қириштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси Ахборот хизмати

7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни

СОҒЛОМ ҲАЁТ — УЗОҚ УМР КЎРИШ ОМИЛИ

1948 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ташкил этилган вақтдан буён 7 апрель ҳар йили Жаҳон саломатлик куни сифатида нишонланади. Жорий йилда ушбу сана «Трансмиссив касалликлар» шiori остида ўтказилапти. Бундан кўзланган асосий мақсад саломатлигини асраган киши узоқ йиллар давомида соғлом ва тўлақонли ҳаёт кечирishiга эришишидир.

Ўтган асрнинг ўрталарида дунёда 80 ёшдан ошган 14 миллион киши истискомат қиларди, холос. Тахминларга кўра 2050 йилга бориб, сайёраимизда 80 ёшдан ошган 400 миллион киши умргузаронлик қилади. Уларнинг 100 миллиондан ортиғи Хитойда яшайди. Тез орада инсоният тарихида илк бора 65 ёшдан катта бўлган кишилар сони 5 ёшгача бўлган болалар сонидан ошиб кетади.

Дунё аҳолиси таркибида катта ёшдаги кишилар сонининг ортиши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ. Соғлиқни сақлаш тизимида эришилган натижалар туфайли бутун дунёда болалар ўлими камайди, кўплаб мамлакатларда аҳоли таркибида катта ёшдаги фуқаролар сони сезиларли даражада ортди. Айни чоғда қатор ривожланган мамлакатлар аҳолининг тез кексايishi билан боғлиқ муаммолар бошдан кечирмоқда. Яқин бир неча ўн йиллик мобайнида аҳоли даромадлари паст ва ўртача даражада бўлган мамлакатлар ҳам шу муаммага дуч келади.

Одамлар умрининг ўзайиши бизга ишонч руҳини беради, қолаверса, бу бизнинг асосий мақсадимиз ҳамдир. Қариялар меҳнаткаш инсон ва жамоат ишларидаги фаоллиги билан жамият ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Уми давомида тўплаган бой тажрибаси туфайли улар жамиятимиз учун ўзига хос ноёб ресурс ва-зифасини ўтайди.

Бироқ кексалар саломатлигининг ортиши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот тизимларининг хизматларида бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Бугунги кунда дунёдаги кўплаб мамлакатларда қариялар

ҳаётига аввало юқумли бўлмаган касалликлар таҳдид солмоқда. Жуда кўплаб кишилар юрак қон-томир ва инсулт оқибатида ҳаётдан кўз юмаяпти. Кўриш қобилиятининг пасайиши ва ақлий заифлик эса меҳнат қилиш имкониятини йўққа чиқармоқда. Аҳоли даромадлари паст даражада бўлган мамлакатларда бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардагига қараганда 2-3 баравар юқори. Бунинг салбий оқибатларини нафақат қарияларнинг ўзлари, балки уларнинг оилалари, қолаверса, бутун жамият ҳаётида кўриш мумкин.

Аҳоли даромадлари паст ёки ўртача даражада бўлган кўплаб мамлакатларда инфратузилмалар ҳам, эхтиёжнинг қондириш учун зарур бўлган ресурслар ҳам йўқ. Келгусида эса бу эхтиёжлар янада ортади. Масаланинг ижобий жиҳати шундаки, муаммоларни катта сарф-ҳаражатларсиз ҳам ҳал этишнинг иложи бор. Бу қарияларнинг соғлом ва фаол ҳаёт кечирishiларига қўмаклашишидир. Ушбу йўналишда саъй-ҳаракатларни аямаган мамлакатлар келгусида ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан катта фойда кўради.

Энг муҳими, барча давлатлар фуқаролик жамиятлари ва хусусий сектор қарияларнинг муносиб турмуш кечирishi учун зарур шарт-шароитларни яратишга жиҳдий эътибор қаратишса нур устига нур бўларди. Шундагина бутун дунёда кексалар саломатлиқларини тиклаши ва бунинг учун керакли ресурслар ажрата олиниши мумкин.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва
тиббий статистика институти бўлим
бошлиғи

Ватанимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳаларда бўлгани каби musiқа ва санъат соҳаси ҳам ўзининг тараққиётида янги босқичга кўтарилди. Кўплаб бадий жамоалар, етук санъаткорлар, созанда ва хонандалар ўз санъатларини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам намойиш қилиб келмоқда.

Санъат

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Бугунги кунда «Golden trophy» халқаро танловлар совриндори «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестрининг фаолияти таҳсинга сазовордир. Бу жамоа ўзининг 21 йиллик ижодий фаолияти давомида жуда кўплаб фестиваллар ва танловларда катнашиб, Халқаро ва Республика миқёсидаги лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Америка Қўшма Штатларидан таширф буюрган Лаура Кортес бошчилигидаги камонли чолғулар ансамбли билан ҳамкорликда ўтказилган дўстлик концерти намойиш этилди.

Бу жамоа Америка халқ куйларини «Country», яъни омма йўлида икром этиш услубига эга. Ҳар бир мамлакат musiқачилари ўзининг миллий musiқасини тарғибот қилиш баробарида, бошқа мамлакатлар халқ musiқалари билан ҳам танишиб бориши табиий бир жараён. Бу жамоанинг Ўзбекистонга келишидан мақсади шуки, унда ўзларининг халқ musiқаларини тарғиб қилиш билан бирга ўзбек musiқа чолғулари ижрочилиги билан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ижодий мулоқотлар уюштиришдан иборат. Бу Ўзбекистондаги АҚШ эл-чихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт, Ташқи ишлар ва-зирликлари ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваторияси, шунингдек, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳа бўлиб, концертда ҳар икки халқ musiқаларидан намуналар ҳамда ҳар икки жамоа биргаликда ўзбек ва америка musiқаларини икром этишди. Концерт дастури томоша-бинларда ёрқин таассурот қолдирди, ай-

ниқса америкалик созандакорларнинг Ориф Гармоннинг «Анджон полкаси»ни ўзбек созандакорлари билан биргаликда ҳамонан икром этишлари ёки ўзбек халқ чолғулари оркестрининг меҳмонларнинг «Беш дақиқа» деб номланган миллий musiқа-сини чалишлари диққатга сазовор бўлди.

— Бундай концертлар бизнинг ижодий тараққиётимизда, унинг янада бойишида, икром имкониятларимизнинг ривожланишида ва ниҳоят икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашишида катта аҳамиятга эга, — дейди «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестрининг бадий раҳбари Ўзбекистон Республикаси санъат боби, профессор Феруза Абдурашова.

Дарҳақиқат, бундай уярашувлар, ижодий мулоқотлар ҳар қандай халқнинг musiқий муҳитида, унинг ривожланишида, тараққиётида катта аҳамиятга эга. Концертдан сўнг америкалик созанда-лар раҳбари Лаура Кортес ўз ҳаяжонини яшира олмай шундай деди. — Биз, «Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри ҳақида интернет орқали маълумотга эга эдик. Лекин уларнинг бу қадар юксак маҳорат билан турли халқ musiқаларини маромига етказиб икром этишлари, уларнинг икром услубларининг, икром имкониятларининг, чолғу созларининг бунчалик турфа хилда ранг-баранг эканлигини кутмаган эдик.

Отабек МИСКИНОВ,
Ўзбекистон
Давлат консерваторияси
«Халқ чолғуларида
ижрочилик» кафедраси
3-босқич талабаси



(ЎзА) олган суратлар

Спорт янгиликлари

«ПАХТАКОР» — ЯККА ПЕШҚАДАМ

Мамлакат XXIII миллий чемпионати 3-тур баҳсларидан сўнг профессионал футбол лигаси жамоалари орасида совринли ўринларга даъвогар ҳисобланган барча командалар («Пахтакор»дан ташқари) очко йўқотишди.

Тошкентда «Олмалик» жамоаси билан куч синашган амалдаги чемпион «Бунёдкор» муроа йўлини танлашга мажбур бўлди. Уйин 1:1 ҳисобида дур-ранг билан якунланди. Дарвозаларни «Олмалик»дан — Олимйевинов, «Бунёдкор»дан — Зотеев аниқ нишонга олишди.

«Пахтакор» марказий стадионида «Кизилқум» жамоасини қабул қилган Самвел Бабаев етакчилигидаги пахтакорчилар меҳмонларни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, турнир жадвалида ҳозирча яқка пешқадамга айланишди. Учрашувнинг 27-дақиқасида Маҳрадзе томонидан киритилган ягона гол «Пахтакор»га муҳим уч очкони туҳфа этди.

Ушбу турда Бекободда «Металлург» меҳмони бўлган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги «Локомотив»га ҳам омад кулиб бокди. Қизилқум ва шиддатли курашлар остида кечган баҳс 1:0 ҳисобида тошкентлик чарм тўп усталарининг ғалабаси билан якунланди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» — «Бухоро» — 3:0, «Навбахор» — «Нефтчи» — 1:1, «Сўғдиёна» — «Динамо» — 1:3, «Андижон» — «Металлург» — 0:1.

Ўтган учта турдан сўнг «Насаф», «Бунёдкор», «Олмалик» ва «Локомотив» жамоалари 7 тадан очко жамгарган ҳолда пешқадам «Пахтакор»ни таъқиб этишмоқда.

Шаҳримизда ўсмирлар ўртасида спортнинг жит-кундо тури бўйича уюштирилган Ўзбекистон чемпионати якунига етди.

МАҲОРАТ МАКТАБИ ВАЗИФАСИНИ ЎТАДИ

Унда Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган умидли спортчилар турли вазн тоифаларида ўзаро баҳслашди.

Қизилқум ва муроасиз кечган беллашувларда мутахассислар муҳлислар эътиборини Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган вилоятлари спортчилари қозонишди. Якунда голиб ва совриндор бўлган спортчи-

лар тақдирланди. Дарвоқе, жорий йилда Тошкент жит-кундо бўйича уюштирилаётган халқаро турнирга мезбонлик қилади. Ушбу халқаро мусобақада мамлакатимиз спортчилари ҳам иштирок этишади. Қуни кеча якунланган Ўзбекистон чемпионати эса спортчиларимизга халқаро турнир олдидан ўзига хос маҳорат мактаби вази-фасини ўтади.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ГОЛИБ

Пойтахтимизда спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган умидли ёш гимнастикачилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Умумжамоа ҳисобида шохсупанинг энг юқори поғонаси Тошкент шаҳри жамоасига насиб этган бўлса, фахрли 2,3-ўринларни Самарқанд, Фарғона вилоятлари спортчилари эгаллашди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мазкур чемпионатнинг иккинчи кунги баҳсларида марказий беллашув 66 кг вазн тоифасида бухоролик Ришод Собиров ҳамда Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Мирзохид Фармонов ўртасида кечди.

Курашда икки карра Осиё чемпиони, 2012 йил Лондон Олимпиадаси иштирокчиси Мирзохид Фармонов голиб чиқди ва Ўзбекистон чемпионига айланди.

Афсус, бугун мағлубиятга учрадим. Мен 66 килограмм вазнда биринчи мусобақада қатнашдим. Бу эса менга катта қийинчилик туғдириди. Мирзохид анча тажрибали спортчи, қолаверса, ушбу вазнда ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этган, икки карра Осиё чемпиони айланди.

Пойтахтимизда жойлашган «Ўзбекистон» спорт мажмуасида дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди.

ДЗЮДО УСТАЛАРИ БЕЛЛАШДИ

Тўғри, янги вазнда Ўзбекистон чемпиони бўла олмасан-да, албатта, Олимпиада чемпиони бўлман, — дейди Пекин ва Лондон Олимпиадалари бронза медали соҳиби ва жаҳон чемпионатида икки маротаба голиб бўлган Ришод Собиров.

Мусобақада эркаклар ўртасида Диёр Ҳазратов, Баҳром Иноят, Сарвар Шомуродов, Алишер Худойбердиев, Абдор Жабборов, Улугбек Норқобитов,

Тимур Худойкулов, Шароф Лутфуллаев, Достонжон Холикулов, Гийс Бобоевлар голиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди.

Аёллар ўртасида Кристина Ковалёва, Улзода Ораямбетова, Шохиста Зайниддинова, Шохид Назарова, Маликабону Мирзаева, Дилноза Султонова, Шахло Йўлдошева, Гулноза Зиёева, Муқаддам Кубаева, Зарифа Султонова каби спортчилар шохсупага кўтарилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг эркаклар ўртасида ўтган олий лига баҳслари якунланди.

Мазкур турнирда 9 нафар шахматчи доира шаклида ўзаро беллашди. Улар орасида 4 нафар спортчи якунда 5,5 очко тўплади. Умумий натижалар сарҳисобига кўра 21,25 балл тўплаган тошкентлик ФИДЕ устаси Улуғбек Тиллаев 2014 йилги Ўзбекистон чемпионатида голиб чиқди. 20,75 баллик натижа билан самарқандлик халқаро тоифадаги гротсмейстер Алексей Барсов иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, унинг ҳамюрти халқаро тоифадаги шахмат устаси Жаҳонгир Воҳидов 18 балл билан бронза медалини кўлга киритди.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ

Тошкент Фотосуратлар уйида Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларининг ижодий фотоасарларидан иборат «Ижод завқи» деб номланган кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазмалар

ИЖОД ЗАВҚИ

Мамлакатимизда болалар бадиий ижодиётини рағбатлантиришга давлат миқёсида катта аҳамият берилмоқда. Бугунги ёшларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг тасвирий санъатнинг барча турларини янада чуқур ўрганишларида муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатимиз ёшларининг халқаро ва республика миқёсида ўтказилган танловларда эришган ютуқлари болаларга ўзбек халқи бой тарихининг ажралмас қисми бўлиши, санъат асосларини ўргатиш ва тарбиялаш борасида олиб бориладиган ишлар натижасидир.

Экспозициядан 8 нафар муаллифнинг, яъни Миллий Рассомлик ва дизайн институти «Компьютер графикаси ва бадиий фото» кафедраси талабаларининг институтда ўқиш жараёнида бажарган саксонга яқин фотосуратлари ўрин олган. Муаллифларнинг аксарияти учун бу ilk кўргазма ҳисобланади. Лекин уларнинг орасидан истеъдодли ва қобилиятли фоторассом сифатида танилиб улгурган талабалар ҳам бор. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган «MIT.Uz — 2013» Республика фото-танловидан 1-ўринни эгаллаган

Наврўз Ибрагимов, қатор кўргазма ва танловлар совриндорлари Бобур Олимхўжаев, Дилсўз Бахритдинова, Сардор Рашидовлар шулар жумласидандир. Шунингдек, кўргазмада намойиш этилган Екатерина Гарамова, Гулсанам Назарова, Зухриддин Темиров ва Кристина Крайникова-ларнинг асарлари ҳам томошабинларни бефарқ қолдирмади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу тадбир ижодда ўзининг биринчи қадами-ни босаётган ёш истеъдодларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Кўргазманинг ўзига хос усусияти шундаки, ёш фоторассомлар асарлари орали рақали барчамизни атрофимиздаги олам, юртимиз табиати, ота-она ва яқинларимизни севиб яшашга ундайдилар. «Пойтахт меҳмонлари», «Хаёт томчиси», «Севили киёмим», «Паркдаги болалар», «Булутлар рақси», «Гўзал тун», «Ёруғликка интилиб», «Вақт ўтар», «Янги ҳаёт», «Олтин куз», «Умр ўтмоқда», «Соғлар ўйини», «Гилон қишлоғи», «Қиш ҳарорати», «Ёзги саратон», «Илҳом париси» сингари ажойиб ва бетакрор фотоасарлар шундай сара асарлар сирасига қиради.

АНЪАНАВИЙ КУЛОЛЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ

Кеча Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Анъанавий кулолчилик» кўргазмаси очилди.

Кўклам кезлари табиатининг янгилини, янги йилнинг бошланиши, эзгу орзу-истакларнинг рўёбига йўрилган, Шарқнинг энг қадимий анъанавий тантаналаридан бири, бу — Наврўз байрамнинг нишонланишидир. Бу шодиёна нафақат бизнинг республикамизда, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Озарбойжон, Тожикистон, Эронда ҳам кенг нишонланади. Тасвирий санъат галереясида ушбу айёмга бағишланган байрамона экспозиция тийёрланди.

Ўзбекистон анъанавий кулолчилик кўргазмасида асосан йирик маҳаллий кулолчилик мактаблари ва марказлари, XX асрдаги етакчи усталарнинг нодир ижод намуналари намойиш этилмоқда. Мазкур кўргазма бир неча ўн йилликлар мобайнида халқ усталари билан ишлаётган «Устазода» халқ санъати хунарамандлари ташкилоти ҳамкорлигида ўтказилаётгани диққатга сазовордир.

Кўргазмадан Тошкент, Хоразм, Андижон, Ғиждувон, Ғурумсарой, Риштон, Денов, Шахрисабз, Ургант сингари марказларнинг ноёб кулолчилик намуналари ўрин олган ва санъат ихлосмандлари унинг намойишидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўладилар.

Юртимиздаги ҳар бир ана шундай марказ — бу алоҳида афсона, атоқли кулол-усталарнинг жамоавий ижоди саналади.

Уларнинг бетакрор ишларини кузата туриб, гурқираб гуллаш даври сокинликка алмашиб, ажойиб бадиий анъаналар йўқолиб, усталарнинг сони камайиб бораётган бир даврда, жонажон она диёри-миз мустақилликка эришганидан сўнг кўпгина йўқолиб бораётган марказлар ва анъаналар қайта тикланганини англаб олиш қийин эмас.

Кўргазмада асосан, ўз марказларининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолган XX аср Ўзбекистон кулол-усталари асарлари намойишга қўйилган бўлиб, бу усталар орасида Раимберди Матчанов, Мақсудали Турапов, Махмуд Раҳимов сингари миллий анъанавий амалий безак санъатининг мумтоз намоёндаларига айланган номлар мавжуд.

Кулолчилик асарлари ҳамиша мамлакатимиз рассомларини ҳам қизиқтирган, улар ўз ижодларида амалий санъат намуналаридан илҳомланиб келишган. Бугун машҳур кулол-усталар асарлари маданий меросимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Бу каби бой меросимиз ҳали кўплаб авлодларимиз учун ҳам албатта, сақланиб қолади. Маълумот ўрнида келтириш мумкинки, мазкур кўргазма намойиши жорий йилнинг 18 апрелига қадар давом этади.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ, Бекзод САМАНДАРОВ, ЎзДЖТУ талабалари

Қарор ва ижро

МУЗЕЙЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ёшларга онд давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан «Музейлар бой тарихимиз ва бетакрор маданиятимиз ҳазинаси» мавзусида музейлар ойлги ташкил этилиб, унинг доирасида турли-туман тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдулҳалимов, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова ва бошқалар музейлар фаолияти ва олиб борилаётган ишлар хусусида журналистларга батафсил маълумот беришди.

Музейлар ойлги 18 майдан 18 июнгача ўтказилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданий-маърифий муассасалар, музейлар ва ахборот-ресурс марказлари бошқармаси бошлиғи Алишер Мусаев. — Мазкур ойлги давомида Тошкент шаҳридаги музей, суратлар галереялари ҳамда уй-музейларда турли мавзулардаги янги кўргазмаларнинг очилиши, хайрия тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, музейлар иш вақтининг узайтирилиши, очик эшиклар кун, танловлар, музей захирасига саёҳатлар, реставраторлар иши билан танишув, концерт дастурлари, ёзувчи, шоир ва рассомлар, хунараманд, хайкалтарош ва кулоллар билан ижодий учрашувлар ҳамда маҳорат дарслари ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Бинобарин, ўқув муассасалари талабалари ва ўқитувчи-профессорларининг ушбу тадбирга кенг жалб этилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида жами 42 та музей ва уларнинг 56 та филиаллари фаолият юритади. Шулардан 13 таси ўлка-шумослик, 11 таси ёдгорлик, 7 та санъат, 2 та адабиёт ва биттадан табиат ва спорт йўналишига ихтисослашган.

Анжуманда Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт ва Қатағонлар қурбонлари хотираси ва Темирийлар тарихи давлат музейларининг фаолияти ва улар томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида мониторингдан лаҳзалар намойиш қилинди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислар томонидан батафсил маълумот олдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Танловлар

БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР

Миробод туманидаги Боровский номидаги тиббиёт коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши ташаббуси билан «Балли, йигитлар!» деб номланган тадбир ўтказилди.

Унда коллеждаги ўғил болалар «Ўзгачалар», «Капитан Блек», «Шунқорлар» ва «Жаноблар» гуруҳларига бўлинган ҳолда иштирок этдилар. Мазкур жамоалар «Саломлашиш», «Эркин мавзу», «Пантомима», «Караоке» ва «Ғамхўр ота» йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини кўрсатишди. Ўз навбатида ҳар бир чикиш бўйича жамоалар ҳайрат аъзолари томонидан баҳолаб борилиди. Энг юқори балл тўплаган «Ўзгачалар» жамоаси танлов голиби, деб топилди.

Тадбир ташкилотчилари томонидан иштирокчилар Ҳаракатнинг Миробод туман Кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Азиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

дузи — 13-15 даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотиға кўра, 4 апрелда Тошкент

Тошкент шаҳрида 4 апрель кунги ҳаво ўзгаришлари турли вақт-вақти билан тақдир бўлади. Ҳар-дан секундиға 5-10 метр тезликда, қулайган ҳолда секундиға 12-17 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 даража илқ, кун-да

шаҳри об-ҳаво шариоти шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз пасайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент Оқшоми

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуоткор кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 466

ТЕЛЕФОНЛАР: Ўзлонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12137 нускада босилди. Қўроз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 233-74-05 телефониға мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ

Босишга тошпирилди: 14.20